

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**14-сон**  
**(150)**  
**2005 й.**  
**апрель**

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуққий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

100. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институтини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 апрелдаги ПФ–3590-сон Фармони
101. «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 апрелдаги ПФ–3592-сон Фармони

*Учинчи бўлим*

102. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 1 апрелдаги 94-сон қарори
103. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 1 апрелдаги 95-сон қарори
104. «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги

низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 апрелдаги 96-сон қарори

#### *Бешинчи бўлим*

105. «Юридик шахсларга солиқ, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёزلарни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 24 февралдаги 29, 2005-25, 01-02/8-3-сон қарори (янги таҳрирда). (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 2 апрелда 1463-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
106. «Сертификатлаштирилган маҳсулотлар ва хизматларни инспекция назоратидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 1 февралдаги 24-П-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 апрелда 1464-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
107. «Маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 4 мартдаги 83-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 апрелда 1465-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
108. «Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Олий ҳўжалик суди, Адлия вазирлигининг 2005 йил 17 мартдаги 2005-35, 103, 20-21-3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 апрелда 1466-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 2 апрелдан 8 апрелча бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **100** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институтини ташкил қилиш тўғрисида

Парламент тизими ислоҳ этилганлиги ва икки палатали парламент тузилганлиги, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш тартиби ва технологияси ўзгартирилгани муносабати билан, қонун ижодкорлиги иши сифатини ошириш ва унинг барча босқичларида эксперт баҳолари ролини кучайтириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институти мақомини аниқлаш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институти мақоми ўзгартирилсин, у Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институти (кейинги ўринларда — Институт деб юритилади) этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Институт Устави, тузилмаси ва лавозимлар рўйхати 1\*, 2\* ва 2а\*\*-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки, Институт:

юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисоб беради;

Институт директори, Институт директорининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадилар ва озод қилинадилар;

Институт фаолиятига умумий раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси Хизмати томонидан амалга оширилади.

3. Қуйидагилар Институт фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

қонун лойиҳаларини ҳар томонлама ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш барча босқичларида чуқур асосланган эксперт баҳолари ва хулосаларини тайёрлаш;

мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базаси такомиллаштирилишини тизимли таҳлил этиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан мустаҳкам ҳамкорликда қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва унинг ўтиши борасида қонунда белгиланган тартиб ҳамда процедураларга риоя этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

қонунларда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг норма ва қоидалари тўлиқ рўёбга чиқарилиши ҳамда уларнинг қўлланиши, шунингдек қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғланиши, комплекслиги ва уйғунлиги мониторинги;

\* 1, 2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

\*\* 2а-илова берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқлигини ўрганиш; қонунларнинг лойиҳаларида умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тамойиллари ҳамда нормалари устуворлигига риоя этилишини таҳлил қилиш;

хорижий парламентлар, айнан шундай қонунчилик мониторинги институтларининг иш тажрибасини ўрганиш ҳамда қонун ижодкорлиги фаолиятида ана шу тажрибадан фойдаланиш бўйича тавсияномалар бериш.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (С. Раҳимов):

2005 йилдан бошлаб ҳар йили илм-фанга кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан Институтни сақлаш, техника билан жиҳозлаш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун маблағ ажратсин;

Институтга 2005 йилда ташкилий техника, компьютерлар сотиб олиш, ахборот матбаа нашрларига обуна ташкил қилиш учун Институтнинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағ ажратсин.

5. Давлат бошқаруви органлари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари Институт ходимларига жорий этилсин ҳамда 3-иловага\* мувофиқ Ягона тариф сеткаси бўйича ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари тасдиқлансин.

Институт директори мақоми, меҳнат ҳақи, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосарига, директор ўринбосари эса — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг бош консультантига тенглаштирилсин. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ходимлари учун белгиланган тиббий таъминот шароитлари Институт ходимларига жорий этилсин.

6. Институт қуйидаги манзил бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносига жойлаштирилсин: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 6.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси белгиланган тартибда Институтнинг жойлашувини, унинг офис мебели, компьютер техникаси ҳамда Институт ишини ташкил қилиш учун зарур бўлган бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозланишини, белгиланган лимитларга мувофиқ транспорт воситалари ажратиб берилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бир ой муддатда Институтни белгиланган тартибда алоқа, жумладан ҳукумат алоқасининг зарур турлари ва воситалари билан таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги чет эллардаги айнан шундай институтлар ва ташкилотлар билан халқаро мулоқотларни амалга оширишда Институтга ёрдам кўрсатсин.

9. Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари Институт томонидан уставдаги вазифаларни бажариш учун зарур бўлган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ахборот-таҳлил ҳисобот материалларини Институт сўровномаси бўйича тақдим этсинлар.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Институтни ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва тарихий мавзулардаги нашрлар билан унинг кутубхонасини таъминлаш учун 1 нусхадан матбаа ва китоб маҳсулотининг назорат нусхаларини бепул олувчи ташкилотлар рўйхатига киритсин.

11. Институт Ўзбекистон Республикаси қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари; Ўзбекистон Республикаси вазир-

---

\* 3-илова берилмайди.

ликлари ва идораларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари бир нусхадан юборилиши шарт бўлган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

12. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг Котиби Р. Мирзаев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 апрель,  
ПФ-3590-сон

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **101** Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ваколатларини кенгайтириш, бюджет жараёнини чуқурроқ ва ҳар томонлама таҳлил этиш ва унинг бажарилишини назорат қилишни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Давлат бюджети лойиҳасининг макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрларини шакллантириш жараёнини чуқур ва пухта ўрганиш, уларни бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш борасида ўтказилаётган сиёсатнинг ғоят муҳим устувор йўналишларига, республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш соҳасида қабул қилинган мақсадли комплекс дастурларга тўла-тўқис мос келиши нуқтаи назаридан танқидий баҳолаш;

тармоқлар ва ҳудудлар бўйича Давлат бюджетининг даромад қисми шакллантирилиши ва ижросини моддама-модда, ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш, бюджет даромадларининг асосий моддалари бўйича прогноз кўрсаткичларининг реаллиги ва тивизлигига баҳо бериш, бунда ёқилғи-энергетика комплекси, қазиб чиқариш саноти, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо, иқтисодиётнинг даромад ҳосил қилувчи бошқа тармоқ ва соҳаларидаги захираларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш;

агросаноат комплексидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати мониторингини амалга ошириш, қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантиришга ажратиладиган бюджет маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш;

маҳаллий бюджетлар шакллантирилиши ва амалга оширилишини, уларнинг балансланишини мунтазам таҳлил этиш ва назорат қилиш, маҳаллий бошқарув ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш учун уларга реал молиявий маблағлар ажратиб бе-

риш вазифасини ҳал этиш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбатни мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

республика даражасида ҳам, маҳаллий даражада ҳам давлат бюджетининг ижроси ва давлат маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил қилиш ва таъминлаш. Давлат харажатларини камайтириш резервларини аниқлаш. Марказда ва жойларда бюджет маблағларидан қонуний, мақсадли ва самарали фойдаланилишини, улардан фойдаланишда қонунбузарликлар ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш чораларини амалга ошириш;

бюджетдан ташқари жамғармалар — Республика йўл жамғармаси, Пенсия жамғармаси, Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси, Қишлоқ хўжалигини аванслаш жамғармасининг давлат бюджети таркибида йиғиладиган маблағлари тўлиқ тушиши, улардан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланилиши устидан қаттиқ назоратни амалга ошириш;

ўтказилаётган пул-кредит сиёсатини, миллий валютани мустаҳкамлаш, унинг харид қобилиятини ошириш, пул массаси ва пул агрегатларини мақбул ҳолга келтириш, банкдан ташқари пул айланишини кескин қисқартириш бўйича кўриладиган чора-тадбирларни чуқур таҳлил қилиш ва баҳолаш;

республика ташқи савдо оборотининг аҳолини чуқур таҳлил қилиш, республика тўлов балансини шакллантириш ва ундан фойдаланишни баҳолаш. Товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнози бажарилиши, маҳсулот импорти мақбуллаштирилишининг таъминланиши, экспорт тушумлари ва хорижий валютани сотиш тўлатўкис ва ўз вақтида бўлиши мониторингини амалга ошириш. Ички валюта бозорида валютага бўлган талаб ва таклифни ўрганиш, айирбошлаш курси динамикаси бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, миллий валютанинг эркин алмаштирилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ташқаридан олинadиган қарзларнинг ҳажмлари ва мақсадга мувофиқлигини танқидий баҳолаш, олинadиган хорижий кредит ва грант маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланилишини, шунингдек Ҳукумат томонидан ёки Ҳукуматнинг кафолати билан олинган ташқи кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатилишини қаттиқ назорат қилиш;

олтин-валюта захираларининг ҳолати ва унинг ҳаракати устидан назоратни амалга ошириш, ташқи активларни бошқариш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва уларни хорижий банкларда самарали жойлаштириш ва қайта жойлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, олтин-валюта захиралари, шу жумладан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ўтказиладиган операциялар устидан назоратни таъминлаш.

## 2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг чекланган сони 20 кишидан иборат бўлган янги тузилмаси ҳамда бошқарув схемаси 1 ва 2-иловаларга\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисидаги низом 3-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси ҳузуридаги янгиланган Ҳайъат таркиби 4-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

## 3. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

\* 1—3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

\*\* 4-илова берилмайди.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 июндаги ПФ–3093-сонли Фармониغا ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 6 январдаги ПФ–3536-сонли Фармони 1-банди, шунингдек мазкур Фармоннинг иловаси;

«Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 июндаги ПФ–3093-сонли Фармониغا ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 4 ноябрдаги ПФ–3157-сонли Фармони 1 ва 2-бандлари, шунингдек мазкур Фармон иловаси;

«Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 июндаги ПФ–3093-сонли Фармони 3-илоvasи.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 4 апрель,  
ПФ–3592-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **102** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2003 йил 24 апрелдаги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» (янги тахрирда)ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг кучга кириши муносабати билан, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил департаментларининг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари бир ҳафта муддатда мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда тегишли ахборот-таҳлил департаментлари раҳбарлар ва мутахассислари ўртасида вазифалар тақсимотини қайта кўриб чиқсинлар ва янгиланган вазифалар тақсимотини белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 1 апрель,  
94-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 1 апрелдаги 94-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаментлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 1 декабрдаги 561-сон қарорида:

- 1) 1-иловада:
  - а) 4-банднинг биринчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва» сўзлари чиқариб ташлансин;
  - б) 8-бандда:

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.*



«а» кичик банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан моддий ва қиймат баланслари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш;

Вазирлар Маҳкамасининг тармоқ департаментлари томонидан ўзлари мутасаддилик қиладиган тармоқлар бўйича тақдим этиладиган иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича мониторингнинг келишилган кўрсаткичларини умумлаштириш»;

«б» кичик банднинг учинчи хатбоши «ижтимоий вазиятнинг» сўзларидан кейин «аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, иш билан таъминлашнинг» сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 9-бандда:

учинчи, бешинчи ва тўққизинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошидан кейин қўйидаги мазмундаги ўн тўртинчи—ўн олтинчи хатбоши қўшилсин:

«аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича мақсадли дастурлар амалга оширилиши, ушбу масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг бажарилиши мувофиқлаштирилишини таъминлайди ва натижаларини умумлаштиради;

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни такомиллаштиришга йўналтирилган механизмларни ишлаб чиқишга доир тақлифларни умумлаштиради;

фуқароларнинг пенсия таъминоти, эҳтиёжманд оилаларни ва аҳолининг алоҳида қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, республика минтақалари ҳамда иқтисодиёт соҳалари бўйича аҳолини иш билан таъминлаш ва ишсизларни ижтимоий муҳофаза қилишга доир ахборот-таҳлил материалларини умумлаштиради»;

ўн тўртинчи хатбоши тегишли равишда ўн еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

г) 10-бандда:

еттинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси Раисининг» сўзлари чиқариб ташлансин;

ўнинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 15-банднинг биринчи хатбошидаги, 18-банднинг саккизинчи хатбошидаги, 19-банднинг тўртинчи ва ўнинчи хатбошидаги ва 20-банднинг учинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

2) 2-иловада:

а) 4-банднинг биринчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 7-бандда:

учинчи, бешинчи ва ўнинчи хатбошидаги, «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши «ислохотларни чуқурлаштириш дастурларини» сўзларидан кейин «шунингдек ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш ва янада такомиллаштириш дастурларини» сўзлари билан тўлдирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

- в) 8-бандда:  
тўртинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси Раисининг» сўзлари чиқариб ташлансин;  
еттинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;
- г) 13-банднинг биринчи хатбошидаги, 16-банднинг тўртинчи ва ўнинчи хатбошидаги ҳамда 17-банднинг учинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;
- 3) 3-иловада:  
а) 4-банднинг биринчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва» сўзлари чиқариб ташлансин;  
б) 6-бандда:  
«а» кичик банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:  
«коммунал хизмат кўрсатиш учун тарифлар ошганда давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари билан биргаликда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини муҳофаза қилишни назарда тутувчи механизмларни ишлаб чиқиш»;  
«б» кичик банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:  
«аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига транспорт хизматларига тўловлар бўйича берилган имтиёзларнинг мавжуд тизимини таҳлил қилиш ва уларни бирхиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш»;  
«д» кичик банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:  
«фавқулодда вазиятлар оқибатларидан жабр кўрган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти мониторингини олиб бориш»;
- в) 7-бандда:  
учинчи, бешинчи ва ўнинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;  
тўртинчи хатбоши «ислохотларни чуқурлаштириш дастурларини» сўзларидан кейин «шунингдек ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш ва янада такомиллаштириш дастурларини» сўзлари билан тўлдирилсин;  
тўққизинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;
- г) 8-бандда:  
тўртинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси Раисининг» сўзлари чиқариб ташлансин;  
еттинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;
- д) 13-банднинг биринчи хатбошидаги, 16-банднинг тўртинчи ва ўнинчи хатбошидаги, 17-банднинг учинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;
- 4) 4-иловада:  
а) 4-банднинг биринчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва» сўзлари чиқариб ташлансин;  
б) 7-бандда:  
учинчи, бешинчи ва ўнинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;  
тўртинчи хатбоши «ислохотларни чуқурлаштириш дастурларини» сўзларидан

кейин «шунингдек ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш ва янада такомиллаштириш дастурларини» сўзлари билан тўлдирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 8-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси Раисининг» сўзлари чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 13-банднинг биринчи хатбошидаги, 16-банднинг тўртинчи ва ўнинчи хатбошидаги, 17-банднинг учинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

5) 5-иловада:

а) 4-банднинг биринчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 7-бандда:

учинчи, бешинчи ва ўнинчи хатбошидаги, «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши «иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурларини» сўзларидан кейин «шунингдек ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш ва янада такомиллаштириш дастурларини» сўзлари билан тўлдирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 8-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси Раисининг» сўзлари чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 13-банднинг биринчи хатбошидаги, 16-банднинг тўртинчи ва ўнинчи хатбошидаги, 17-банднинг учинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

6) 6-иловада:

а) 4-банднинг биринчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 6-банд «б» кичик банднинг ўн биринчи хатбоши «почта ва алоқа» сўзларидан кейин «шунингдек почта алоқаси воситалари орқали пенсияларни ўз вақтида етказиб бериш» сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 7-бандда:

учинчи, бешинчи ва ўнинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши «иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурларини» сўзларидан кейин «шунингдек тегишли тармоқларда ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш ва янада такомиллаштириш дастурларини» сўзлари билан тўлдирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 8-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси Раисининг» сўзлари чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 13-банднинг биринчи хатбошидаги, 16-банднинг тўртинчи ва ўнинчи хатбошидаги, 17-банднинг учинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

7) 7-иловада:

а) 4-банднинг биринчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 7-бандда:

учинчи, бешинчи ва ўнинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«қуйидагиларни:

кам таъминланган ва кўп болали оилаларга аниқ йўналтирилган ижтимоий ёрдам кўрсатишни амалга ошириш;

оилада тиббий маданиятни ошириш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш;

кам таъминланган, ёлғиз қарияларни, пенсионерлар ва ногиронларни, шунингдек ижтимоий аҳамиятли касалликлардан азият чекаётган беморларни сифатли бепул тиббий ёрдам ва доривор воситалар билан таъминлаш бўйича Ҳукумат қарорларини амалга ошириш;

мутасаддилик қилинадиган тармоқларда ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш ва янада такомиллаштириш дастурларини амалга ошириш мониторинги олиб борилишини таъминлайди»;

ўн олтинчи хатбоши ўн еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

в) 8-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси Раисининг» сўзлари чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 13-банднинг биринчи хатбошидаги, 16-банднинг тўртинчи ва ўнинчи хатбошидаги, 17-банднинг учинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

8) 8-иловада:

а) 4-банднинг биринчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 7-бандда:

учинчи, саккизинчи ва ўн саккизинчи хатбошидаги, «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн еттинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирма учинчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«идоравий мансуб ташкилотлар ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш ва янада такомиллаштириш дастурларини амалга ошириш мониторингини олиб боради»;

йигирма тўртинчи хатбоши йигирма бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 8-бандда:

ўнинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси Раисининг» сўзлари чиқариб ташлансин;

ўнинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 13-банднинг биринчи хатбошидаги, 16-банднинг тўртинчи ва ўнинчи хатбошидаги, 17-банднинг учинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин.

II. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг функционал бўлимлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 2 декабрдаги 564-сон қарорида:

1) 1-иловада:

3-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

7-банднинг бешинчи хатбошидаги ва 12-банднинг биринчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси Раисининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

2) 2-иловада:

3-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

5-банднинг тўртинчи хатбошидаги «унинг Раиси» сўзлари чиқариб ташлансин;

6-бандда:

саккизинчи хатбошидаги «унинг Раиси» сўзлари чиқариб ташлансин;

ўн бешинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг биринчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банднинг еттинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

3) 3-иловада:

3-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

7-банднинг учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари чиқариб ташлансин;

12-банднинг биринчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси Раисининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

4) 4-иловада:

3-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

7-банднинг бешинчи хатбошидаги ва 12-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбе-

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзлари билан алмаштирилсин;

5) 5-иловада:

3-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

7-банднинг саккизинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг биринчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси Раисининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

III. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 декабрдаги 698-ф-сон фармойишига иловада:

3-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

7-банднинг еттинчи хатбошидаги ва 12-банддаги «Вазирлар Маҳкамасининг Раисининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **103** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида» 2004 йил 3 декабрдаги 711-II-сон қарорининг 2-бандини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 1 апрель,  
95-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 1 апрелдаги 95-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 24 майдаги 246-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 5-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисида низомда:

6-банднинг еттинчи хатбошидаги «Давлат қўриқхоналари тармоғини, миллий боғларни, заказникларни, табиат ёдгорликлари ҳамда алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва объектларни сақлаш ва ривожлантириш» сўзлари «муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш, уларнинг фаолияти ва режимини таъминлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг тўққизинчи хатбошидаги «давлат қўриқхоналари ва бошқа алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ҳамда объектлар ташкил этиш» сўзлари «муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ташкил этиш, уларнинг фаолияти ва режимини таъминлаш тадбирларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун ундириладиган жарима миқдорларини ҳисоблаш таксаларини тасдиқлаш тўғрисида» 1995 йил 27 июлдаги 293-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 7-сон, 26-модда):

1 ва 5-иловалар жадваллари учинчи устунининг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги ўрмонлар ва дарахтлар-бута ўсимликлар»;

2, 3 ва 4-иловаларнинг изоҳларидаги «алоҳида» сўзи чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1998 йил 10 мартдаги 104-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 3-сон, 9-модда):

а) қарорнинг номидаги ва 1-бандидаги «алоҳида» сўзи чиқариб ташлансин;

б) Низомда:

Низом номидаги, шунингдек матнидаги «алоҳида» сўзи чиқариб ташлансин;

3, 4 ва 5-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Қуйидагилар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастрини ҳисобга олиш объектлари ҳисобланади:

давлат қўриқхоналари, комплекс (ландшафт) заказниклар, табиий боғлар, давлат табиат ёдгорликлари, заказниклари ва табиат питомниклари, табиий курорт ҳудудлари, дам олиш ҳудудлари, сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқбўйи полосалари, ер усти ва ер ости сувлари ҳосил бўладиган ҳудудлар (дарё водийлари, сурилма конуслари, тоғ этаклари) балиқчилик хўжалиги ҳудудлари, алоҳида табиий ресурсларни бошқариш учун ҳудудлар, давлат биосфера резерватлари ҳамда қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар билан муҳофаза этиладиган тоифага киритилган бошқа табиий ҳудудлар.

4. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ўзининг фаолият кўрсатиш мақсади ва режимига кўра қуйидаги тоифаларга бўлинади:

давлат қўриқхоналари;

комплекс (ландшафт) заказниклар;  
табiiй боғлар;  
давлат табиат ёдгорликлари;  
алоҳида табiiй объектлар ва комплексларни сақлаш, кўпайтириш ва тиклаш учун ҳудудлар;

муҳофаза этиладиган ландшафтлар;  
алоҳида табiiй ресурсларни бошқариш учун ҳудудлар.

5. Муҳофаза этиладиган табiiй ҳудудлар бўйсунishi, муҳимлиги, шунингдек табiiй объектларнинг ноёблигига кўра маҳаллий ва умумдавлат аҳамиятига эга бўлиши мумкин»;

8-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Муҳофаза этиладиган табiiй ҳудудлар кадастри қуйидаги асосий шаклларни ўз ичига олади:

1-шакл (йиғма) — «Муҳофаза этиладиган табiiй ҳудудлар рўйхати»;

2-шакл — «Давлат кўриқхоналари, комплекс (ландшафт) заказниклар, табiiй боғлар, давлат биосфера резерватларининг ер-сув ресурслари»;

3-шакл — «Давлат кўриқхоналари, комплекс (ландшафт) заказниклар, табiiй боғлар, давлат биосфера резерватларининг ўсимлик дунёси»;

4-шакл — «Давлат кўриқхоналари, комплекс (ландшафт) заказниклар, табiiй боғлар, давлат биосфера резерватларининг ҳайвонот дунёси»;

5-шакл — «Давлат табиат ёдгорликларининг, алоҳида табiiй объектлар ва комплексларни сақлаш, кўпайтириш ва тиклаш учун ҳудудларнинг умумий тавсифи»;

6-шакл — «Муҳофаза этиладиган ландшафтларнинг, алоҳида табiiй ресурсларни бошқариш учун ҳудудларнинг умумий тавсифи»;

7-шакл — «Муҳофаза этиладиган табiiй ҳудудлар табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий натижалари».

Шаклларнинг тузилиши ва мазмуни Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан белгиланади.

13-банднинг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ер ости чучук сувларининг шаклланиш ҳудудлари бўйича кадастр маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан тузилади»;

15-бандда:

биринчи хатбошидаги «(алоҳида муҳофаза этиладиган III тоифа табiiй ҳудудлар бўйича маълумотлардан ташқари)» сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошидаги «(алоҳида муҳофаза этиладиган III тоифа табiiй ҳудудлар бўйича)» сўзлари чиқариб ташлансин;

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 5-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларининг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишилган ҳолда муҳофаза этиладиган табiiй ҳудудларда алоқа коммуникациялари қурилишига йўл қўйилади, давлат кўриқхоналари, табiiй боғлар ва давлат биосфера резерватларининг кўриқхона ҳудудлари бундан мустасно».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 ноябрдаги 506-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 11-сон, 68-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ўрмонни парвариш қилиш учун кесиш қоидаларида:



30-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Сув таъминоти манбаларининг санитария муҳофазаси, курортларнинг санитария муҳофазаси» сўзлари «Сув объектлари, табиий курорт ҳудудлари ва дам олиш ҳудудларининг санитария муҳофазаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банддаги «Ўрмон қўриқхона участкаларида» сўзлари «комплекс (ландшафт) заказникларда, табиий боғлар ва давлат биосфера резерватларининг қўриқхона ҳудудларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банддаги «Давлат миллий» сўзлари чиқариб ташлансин, «боғлари» сўздан кейин «ва давлат биосфера резерватларида (уларнинг қўриқхона ҳудудларидан ташқари)» сўзлари қўшилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Чимён-Чорвоқ зонаси табиий бойликларини сақлаш ҳамда ҳудудни ўзлаштиришга комплекс ва изчиллик билан ёндошишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 10 мартдаги 83-сон қарорининг 1-бандидаги «курорт ва дам олиш мақсадлари учун махсус муҳофаза қилинадиган» сўзлари «муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд — табиий курорт ҳудуди ва дам олиш ҳудуди» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 июндаги 215-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 28-модда) билан тасдиқланган Ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларини аниқлаш тартиби тўғрисида низомда:

7-банднинг «з», «и», «о» кичик бандлари қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«з) сув объектларини муҳофаза қилиш ҳудудидаги ўрмонлар»;

«и) табиий курорт ҳудудлари ва дам олиш ҳудудларидаги ўрмонлар»;

«о) комплекс (ландшафт) заказниклар, табиий боғлар ва давлат биосфера резерватларидаги ўрмонлар»;

8-банддаги «ва миллий табиий боғларда, қўриқхона ўрмон участкаларида» сўзлари «табиий боғлар ва давлат биосфера резерватлари ҳудудларидаги қўриқхоналарда» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банддаги «сув таъминоти манбаларини» сўзлари «сув объектларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Табиий курорт ҳудудлари ва дам олиш ҳудудлари ўрмонларига муҳофаза этиладиган, белгиланган тартибда ташкил этилган ушбу табиий ҳудудлар чегараларидаги ўрмонлар киради»;

23-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Комплекс (ландшафт) заказниклар, табиий боғлар ва давлат биосфера резерватлари ўрмонларига Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарори билан ташкил қилинган муҳофаза этиладиган ушбу табиий ҳудудлардаги ўрмонлар киради.

Алоҳида экологик, тарихий ва эстетик қимматга эга бўлган табиий объектлар ва комплексларни сақлаш мақсадида атроф табиий муҳит ҳолатини сақлаш муҳофаза этиладиган ушбу табиий ҳудудлар ўрмонларининг асосий вазифаси ҳисобланади».

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 сентябрдаги 343-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 57-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳайвонот дунёсининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

8-банднинг «б» кичик бандидаги «алоҳида» сўзи чиқариб ташлансин;

18-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ва табиий миллий боғлар» сўзлари «комплекс (ландшафт) заказниклар, табиий боғлар, заказниклар ва питомниклар, давлат биосфера резерватлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ҳисобга олиниши ва ҳайвонот дунёси давлат кадастрига киритилиши керак бўлган ҳайвонларнинг барча турлари (кичик турлари) бўйича, давлат қўриқхоналари, комплекс (ландшафт) заказниклар, табиий боғлар, заказниклар ва питомниклар, давлат биосфера резерватлари ҳудудда тегишли равишда, идоровий бўйсуншидан қатъи назар, комплекс (ландшафт) заказниклар, табиий боғлар, заказниклар ва питомниклар, давлат биосфера резерватлари томонидан».

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 мартдаги 160-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тўғрисидаги низомда:

а) 5-банднинг учинчи хатбошидаги «қўриқхона ишларини юритиш ва миллий табиий ҳамда халқ боғларини бошқариш» сўзлари «давлат қўриқхоналари, табиий боғлар ва бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банддаги «ва қўриқхона, халқ боғлари ишларини» сўзларидан кейин «давлат қўриқхоналари, табиий боғлар ва бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 8-бандда:

иккинчи хатбошидаги «халқ боғлари, заказниклар» сўзлари «табиий боғлар ва бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн еттинчи хатбошидаги «қўриқхоналар, миллий табиий, халқ боғлари» сўзлари «давлат қўриқхоналари, табиий боғлар ва бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 9-банднинг иккинчи хатбошидаги «ва қўриқхона ишлари, миллий табиий, халқ боғлари, заказниклар» сўзлари «давлат қўриқхоналари, табиий боғлар ва бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 491-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 11-12-сон, 65-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомда:

а) 3-бандда:

учинчи хатбошидаги «алоҳида» сўзи чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши қўшилсин:

«муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режалари лойиҳалари»;

ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбоши тегишли равишда ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 10-банд «в» кичик бандининг бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«кейинчалик уларга алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ва фавкулудда экологик вазият ва экологик офат зоналари мақомини бериш мақсадида ҳудудларни комплекс текшириш материаллари, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режалари лойиҳалари — ишлаб чиқилган ҳужжатлар тақдим этилади».

в) 15-банднинг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«кейинчалик уларга алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ва фавкулудда экологик вазият ва экологик офат зоналари мақомини бериш мақсадида ҳудудларни комплекс текшириш материаллари, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режалари лойиҳалари»;

г) 23-банднинг охири хатбошидаги «Ижтимоий соҳани» сўзларидан кейин «шунингдек давлат томонидан муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни бошқариш режаларини» сўзлари қўшилсин;

д) Давлат экологик экспертизаси (ДЭЭ) ўтказилишини ташкил этиш схемаси 1-сатридаги «Ижтимоий соҳани» сўзларидан кейин «шунингдек давлат томонидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режаларини» сўзлари қўшилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Чучук ер ости сувлари ҳосил бўладиган зоналарга алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар мақомини бериш тўғрисида» 2002 йил 16 январдаги 23-сон қарори номидаги, 1-банднинг биринчи хатбошидаги ҳамда 4-бандидаги «алоҳида» сўзи чиқариб ташлансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 243-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 38-модда) билан тасдиқланган Электр тармоқлари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларида:

11-банддаги «алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда (қўриқхоналар, миллий боғлар ва бошқалар)» сўзлари «давлат қўриқхоналари, табиий боғларнинг қўриқхона зоналари ва давлат биосфера резерватларидан ташқари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг охири хатбошидаги «алоҳида» сўзи чиқариб ташлансин;

27-банддаги «алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий зоналар» сўзлари «муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер ости чучук сувлари ҳосил бўладиган зоналарга республика аҳамиятига эга бўлган алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақомини бериш тўғрисида» 2002 йил 26 августдаги 302-сон қарори номидаги, шунингдек қарорнинг 1 ва 5-бандларидаги, қарорга 1, 2, 3, 4-иловалар номидаги «алоҳида» сўзи чиқариб ташлансин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент вилоятида ва Тошкент шаҳрида Чирчиқ дарёсининг сувни муҳофаза қилиш зонаси ва қирғоқбўйи полосасини белгилаш тўғрисида» 2003 йил 29 октябрдаги 471-сон қарори 2-бандидаги, қарорга 2-илова номидаги ва 4-илованинг 7-бандидаги «алоҳида» сўзи чиқариб ташлансин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер ости чучук сувлари чиқадиган зоналарни белгилаш тўғрисида» 2004 йил 12 январдаги 14-сон қарорининг 5-бандидаги, қарорга 1, 2 ва 3-иловалар номидаги ҳамда бешинчи устун номидаги «алоҳида» сўзи чиқариб ташлансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 139-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 34-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тўғрисидаги низомнинг 7-бандида:

ўн олтинчи хатбошидаги «қўриқхоналари» сўзи «заказниклари» сўзи билан алмаштирилсин;

йигирма биринчи хатбошидаги алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар (чучук ер ости сувлари шаклланиши зоналари) давлат кадастрини, юқори табиий хавфли зоналар (хавфли геология жараёнлари пайдо бўлиш зоналари) давлат кадастрини юритади» сўзлари «табиий хавф юқори зоналар (хавфли геология жараёнлари пайдо бўлиш зоналари) давлат кадастрини юритади, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри бўйича чучук ер ости сувлари шаклланиши зоналари юзасидан маълумотларни тузади ва тақдим этади» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан

тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

1-банднинг тўққизинчи хатбошидаги «алоҳида» сўзи чиқариб ташлансин;

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш схемасининг «Давлат кадастрлари» устунисидаги «алоҳида» сўзи чиқариб ташлансин.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **104** Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 27 сентябрдаги ПФ-3491-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимига кирувчи ташкилотлар ва муассасалар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги марказий аппаратининг ходимларнинг чекланган умумий сони 72 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 55 киши бўлган тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 30 сентябрдаги 455-сон қарори 1-бандининг иккинчи ва учинчи хатбоши ҳамда ушбу қарорга 1 ва 2-иловалар (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 95-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 5 апрель,  
96-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 5 апрелдаги 96-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари  
вазирлиги тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) маданият ва спорт соҳасидаги давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Вазирлик тизимига Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари, туман (шаҳар) маданият ва спорт ишлари бўлимлари, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси, «Ўзбекдаватцирки» республика бирлашмаси, «Ўзбекмузей» республика жамғармаси ҳамда Вазирликка қарашли бошқа маданият, спорт ва таълим муассасалари киради.

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари икки томонлама бўйсундилар ҳамда Вазирликка ва маҳаллий давлат ҳокимияти тегишли органига ҳисоб берадилар.

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари молия органлари томонидан белгиланган ҳажмлар ва муддатларда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар сметасининг ижроси тўғрисида тегишли молия органларига ҳисобот тақдим этадилар ҳамда нусхасини Вазирликка топширадилар.

4. Вазирлик ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

6. Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари, Вазирлик тизимига кировчи бошқа ташкилотлар юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

**II. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари**

7. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари ҳисобланади:

маданият ва оммавий спорт соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, халқнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, асрлар давомида шаклланган юксак

маънавиятини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва уйғун камол топган шахсларни тарбиялаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

миллий истиқлол ғоясидан, Ўзбекистон халқининг маданий ва маънавий-ахлоқий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда аҳоли ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини амалга ошириш, одамларнинг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўлароқ кондириш;

театр, мусика, хореография, тасвирий санъат, цирк, халқ амалий ва эстрада санъатини янада ривожлантириш, уларнинг ғоявий-бадий ва маънавий савиясини ошириш, халқ тарихининг энг ёрқин саҳифаларини ва унинг ҳозирги ҳаётини, мамлакатнинг эркин демократик тараққиётини ёритиб берадиган асарлар яратишда ижодий жамоаларга ҳар томонлама қўмаклашиш;

маданий-оммавий ва байрам тадбирларининг чуқур ғоявий мазмун билан бойитилишини таъминлаш, республиканинг ижодий уюшмалари ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз таланти ва истеъдодларини тўла намоён этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш, аҳолини, биринчи навбатда ёшлар ва болаларни спорт билан шуғулланиш зарурлигини англаш руҳида тарбиялаш, уларга соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат иштиёқини сингдириш, ёшларни меҳнатга ва республика қуроли кучларида хизмат қилишга тайёрлаш;

Олимпия ўйинларида, жаҳон ва Осиё қитъаси чемпионатларида, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қиладиган ва юқори спорт натижаларига эриша оладиган юксак маҳоратли спортчиларни тайёрлаш учун олимпия захираси муассасаларини қўллаб-қувватлаш ва зарур шарт-шароитлар яратиш, жумладан, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

республикада болалар спорти ҳаракатини ривожлантиришга қўмаклашиш;

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» узлуксиз спорт мусобақаларининг уч босқичли тизимини ташкил этиш ва ўтказиш;

миллий спорт турлари бўйича халқ ўйинлари, мусобақалар ташкил қилиш ва ўтказиш;

турар жойлар ва маҳаллаларда маданий-маърифий фаолиятни, аҳолини маданий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашни ташкил қилишда, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини ўтказишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ўқув юртлари, маҳаллий ҳокимият органлари билан фаол ҳамкорлик қилиш ва уларга қўмаклашиш;

давлатлараро ва халқаро маданий ҳамда спорт алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, конференциялар, кўرғазмалар ва спорт мусобақалари ўтказиш, маданият, санъат ва спорт соҳасига хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш ишларини ташкил қилиш;

маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари, объектлари ва иншоотларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан энг юқори даражада тўлиқ ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

маданият ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш, республика маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасаларини, ўқув юртларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш;

профессионал, халқ ва ҳаваскорлик ижодиётини, оммавий жисмоний тарбия ва спорт, оммабоп маданий-маърифий ва спорт дастурларини кенг тарғиб қилиш,

шунингдек маданият ва спорт соҳасида оммабоп адабиётларни чоп этиш ҳамда видео ва кино материаллар чиқариш.

8. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг маданият ва спорт соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиради;

Вазирлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиш мониторингини олиб боради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

маданият ва спорт соҳасида ҳамкорлик бўйича халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқади, қабул қилинган халқаро битимларнинг бажарилишини таъминлайди;

театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини ривожлантиришни таъминлайди, ижодий жамоаларга халқимиз тарихининг энг ёрқин саҳифаларини, унинг ҳозирги ҳаётини, мустақил ривожланиш тажрибасини акс эттирувчи асарлар яратишда ҳар томонлама ёрдам беради;

кадрларни миллий ва умуминсоний кадриятлар, инсонпарварлик ва юксак маънавият руҳида тайёрлаш жараёнини ташкил қилади, кишиларнинг ўзининг умумтаълим ва маданий савиясини оширишга интилишини рағбатлантириш, уларни миллий, жаҳон маданияти ва санъатининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш ишларини амалга оширади;

Вазирлик тизими кадрлари малакасини оширишни, уларни қайта тайёрлашни, аттестациядан ўтказишни, шунингдек хорижда тажриба орттиришини, ўқитишни таъминлайди;

музейларда миллий мустақиллик ғояларига ҳамоҳанг бўлган, ўзбек халқининг бой маданий меросини, унинг инсоният тарихидаги роли ва аҳамиятини, унинг ривожланиш босқичларини ҳаққоний акс эттирувчи экспозицияларнинг ташкил этилишини, шунингдек замонавий ривожланиш истиқболларини чуқур ўрганишни, музейшунослик, музейлар фондларидаги экспонатларнинг ягона каталогини юритиш бўйича умуммиллий сиёсатнинг амалга оширилишини таъминлайди;

республика аҳолисини Ўзбекистон халқлари тарихи тўғрисида хабардор қилувчи чет элларда сақланаётган қадимий буюмлар, шунингдек мамлакатимиз музейларида намойиш қилинаётган ноёб экспонатлар билан кенг таништириш воситасида одамларда умуминсоний кадриятларни, бой миллий маданий меросни ҳурмат қилиш ва эътироф этиш туйғусини тарбиялашга кўмаклашади;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, қўриқлаш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда қатнашади;

маданий мерос объектларини таъмирлаш, консервация, реконструкция қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат дастурларининг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

маданий мерос объектларини аниқлаш, рўйхатдан ўтказиш, муҳофаза қилиш, тарғиб этиш ва улардан фойдаланишни таъминлайди;

маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритади, уларни тарихий-маданий экспертизадан ўтказишни ташкил қилади ва амалга оширади;

маданий қимматга эга бўлган буюмларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда классификациясини аниқлайди;

маданий бойликларнинг четга олиб чиқиб кетилиши, вақтинчалик олиб чиқиб кетилиши тўғрисида қарорлар қабул қилади;

четга олиб чиқиб кетиладиган ва четдан олиб келинадиган, шунингдек вақтинчалик олиб чиқиб кетиладиган ва вақтинчалик олиб келинадиган маданий бойликларни рўйхатдан ўтказиши;

четга олиб чиқиб кетиладиган, вақтинчалик олиб чиқиб кетиладиган, шунингдек вақтинчалик олиб чиқиб кетилгандан кейин қайтариб олиб келинган маданий бойликларнинг экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

маданий бойликларни четга олиб чиқиб кетиш ва вақтинчалик олиб чиқиб кетиш ҳуқуқига сертификатлар беради;

тутиб қолинган ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мусодара қилинган маданий бойликларни давлат тегишли органларидан қабул қилиб олади, уларни экспертизадан ўтказиши ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди;

Вазирлик тизимига кирувчи ташкилотларнинг жамоалари ва яккахон ижрочиларининг гастроль-концерт фаолиятини, шу жумладан чет эллардаги гастроль-концерт фаолиятини ташкил қилади;

республикада ва хорижий мамлакатларда профессионал санъат ва ҳаваскорлик санъати фестиваллари, кўрик-танловлари, шунингдек кўргазмалар ўтказишни ташкил қилади;

Эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши билан биргаликда республика маданият саройлари, концерт заллари ва стадионларида ўтказиладиган маданий-маърифий ҳамда концерт тадбирларининг тематик, репертуар режалари ва дастурларини такомиллаштиришга доир ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлайди;

мамлакатимиз таълим муассасаларида дарс бериш учун республика ва хорижий мамлакатларнинг таниқли ижрочиларини ҳамда санъат ва спорт арбобларини, етакчи мутахассис педагоглари тақлиф қилади;

чет элларда ўқиётган ва самарали ижодий фаолият кўрсатаётган ижодкор ёшларнинг республикада ўтказиладиган кўриклар, танловлар ҳамда фестивалларда қатнашишини таъминлайди;

иктидорли ёшлар ва санъат арбобларининг ижодий сафарларини ташкил қилишни ҳамда уларнинг халқаро кўламда ва республика миқёсида санъат ва спорт соҳасида ўтказиладиган кўрикларда, танловларда, фестивалларда, бошқа анжуманларда иштирок этишини таъминлайди;

культурологияни, театршуносликни, санъатшуносликни, мусиқашуносликни ва мазкур соҳадаги бошқа илмий йўналишларни ривожлантириш, олий ўқув юртларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш чора-тадбирларини кўради;

драматик, мусиқали, мусиқали-драматик асарлар, тасвирий ва амалий санъат ва ҳайкалтарошлик асарлари яратишга давлат буюртмаларини амалга оширади;

ижодий жамоалар, маданият, санъат ва спорт мутахассисларини, арбобларини, шунингдек спортчиларни ҳамда уларнинг идоравий мансублигидан қатъи назар, бошқа вакилларни халқаро танловлар, фестиваллар, мусобақаларда ва чет эллардаги бошқа тадбирларда қатнашиш учун тайёрлашни, жўнатишни ва қабул қилинишини таъминлайди;

мамлакатда спорт турларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди;



Ўзбекистон терма жамоалари спортчилари ва аъзоларини спорт инвентарлари, жиҳозлари, кийим-кечак ва пойабзал билан таъминлайди;

республикада маданият ва спортни ривожлантиришнинг аҳволи мониторингини амалга оширади, мамлакатда уларни ривожлантиришга доир ҳар йиллик прогнозларни шакллантиради;

жаҳон илмий-техника тараққиёти ютуқлари, хорижий мамлакатларда маданият ва спортни ривожлантиришнинг илғор тажрибаси умумлаштирилишини, ушбу ютуқларнинг тармоқда жорий этилишини таъминлайди;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотлар билан биргаликда маданият ва спорт соҳасида илмий тадқиқотлар ривожланишига, шунингдек аҳолини жисмоний тарбиялашга кўмаклашади, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этади ва ушбу ишлар олиб борилишини мувофиқлаштиради;

маданият ва спорт бўйича ўқув дастурлари, қўлланмалари ва бошқа илмий-методик адабиётларни ишлаб чиқишда иштирок этади, шунингдек уларни тасдиқлайди;

маданият ва спортни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларни, маданият ва спорт соҳасига тааллуқли дастурий-методик ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлайди, уларнинг тўғри бажарилишини таъминлайди;

давлат бошқаруви бошқа органлари билан биргаликда маданият ва спорт арбобларини, шу жумладан спортчиларни, тренерларни, спорт фахрийларини ва бошқа мутахассисларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этади;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва бошқа жамоат спорт ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашади;

Ўзбекистондаги спортнинг миллий турларини ва халқ ўйинларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашади, мамлакатда ва чет элларда спортнинг миллий турлари бўйича мусобақалар, халқ ўйинлари бўйича жисмоний тарбия-оммавий тадбирлар ташкил этилиши ва ўтказилиши молиялаштирилишини, шунингдек халқаро спорт майдонларида спортнинг миллий турлари тарғиб қилиниши ва ривожлантирилишини белгиланган тартибда таъминлайди;

халқаро ва республика оммавий спорт тадбирлари ўтказилишини, спортчилар, тренерлар ва бошқа мутахассислар таъминотини, спортчиларни, мамлакат терма жамоаларини тайёрлашни ва уларнинг Олимпиада ва Осиё ўйинларида, жаҳон, Осиё чемпионатлари, кубоклари ва биринчиликларида ҳамда бошқа халқаро спорт мусобақаларида иштирок этишини, халқаро ташкилотларга аъзолик бадаллари тўлалигини белгиланган тартибда таъминлайди;

республика спортчилари томонидан спорт турлари бўйича ўрнатилган мамлакат рекордларини тасдиқлайди ва уларни тасдиқлаш учун тегишли ҳужжатларни халқаро спорт ташкилотларига белгиланган тартибда тақдим этади;

спорт федерацияларининг тақдимномаси бўйича давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган халқаро оммавий спорт тадбирларида спортнинг алоҳида турлари бўйича қатнашадиган мамлакат спортчилари, терма жамоаларини тасдиқлайди ва уларнинг иштирок этишини таъминлайди;

аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маданий тадбирлар ва оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишда мамлакатнинг давлат ва жамоат ташкилотларига кўмаклашади;

ўзига қарашли ташкилотларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришда ва уларни ахборот билан таъминлашда, маслаҳат бериш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ҳамда бошқа ёрдам турларини кўрсатишда уларга кўмаклашади;

барча мавжуд маданият ва спорт иншоотларини, кутубхоналар, театрлар, клублар, маданият уйлари ва саройлари, истироҳат боғлари, музейлар ва бошқа маданий-маърифий муассасаларни хатловдан ўтказди;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини паспортлаштиради ҳамда улардан фойдаланиш юзасидан белгиланган тартибда сертификатлар беради;

маданият ва спорт соҳасидаги улкан ютуқлар учун мукофотлар таъсис этиш ва Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларини бериш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

халқаро маданият ҳамда спорт алоқаларини амалга оширади ва ривожлантиради;

маданият ва спорт муассасаларининг давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилишини белгиланган тартибда таъминлайди.

9. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзининг ҳудудий бўлинмалари, ўзига қарашли бошқа ташкилотлар орқали амалга оширади.

### III. Вазирликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

10. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

маданият ва спорт соҳасида давлатлараро ҳамкорлик масалалари бўйича музокараларда иштирок этиш ҳамда республика Ҳукуматининг топшириғига кўра шартномалар ва битимларни имзолаш, идоравий мансуб ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро фойдали муносабатлар асосида хорижий мамлакатлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишига кўмаклашиш, шунингдек ўз ваколатлари доирасида бошқа мамлакатлар ташкилотлари билан маданият ва спортни ривожлантириш бўйича ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартномалар, битимлар ва бошқа ҳужжатлар тузиш;

вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган ҳисобот шаклларида назарда тутилган, Вазирлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича маълумотларни олиш;

маданий бойликларни бадий экспертизадан ўтказганлик ва ҳужжатларни расмийлаштирганлик учун махсус йиғим ундиришдан тушадиган, улар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишиладиган маблағларнинг бир қисмини олиш;

тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлик тизимига кирувчи ташкилотлар тоифасини ўзгартириш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда Ҳукуматга киритиш;

маданият ва спорт бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш, илмий ва эксперт ишларини амалга ошириш, долзарб масалаларни ишлаб чиқиш учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртларидан, шу жумладан чет эллардан юқори малакали мутахассисларни шартнома асосида таклиф этиш;

белгиланган тартибда умумхалқ байрамлари, юбилейлар, маданий ва оммавий жисмоний тарбия-спорт тадбирлари ташкил этиш;

Вазирлик тизимига кирувчи спорт, театр-томоша ташкилотлари, маданий-маърифий ва таълим муассасаларини жиҳозлаш учун зарур бўлган ёритиш ва овоз кучайтириш асбоб-ускуналарини, мусиқа асбобларини, спорт жиҳозлари, анжомла-

ри, спорт формаларини ва бошқа зарур жиҳозларни марказлаштирилган тартибда сотиб олиш;

музей фондларини ва асарлар кўрғазмаларини тўлдириш учун тарихий-бадий қимматга эга бўлган кино, тасвирий ва декоратив-амалий санъат асарлари ҳамда материалларини, ноёб қадимий буюмларни, шунингдек сахна ва мусиқа асарларини, қўшиқларни аниқлаш ва сотиб олиш, музейлар фондларидаги экспонатларнинг ягона каталогини нашр этиш;

республикада ўтказиладиган халқаро танловлар, кўриклар, фестиваллар ва бошқа тадбирларда қатнашиш учун хорижий жамоаларни ва алоҳида ижрочиларни таклиф этиш;

Вазирлик тизимига кирувчи ўқув юртларида ва таълим муассасаларида дарс бериш, шунингдек мастер-класслар ўтказиш учун юқори малакали профессорлар ва ўқитувчиларни, республикамиздаги ва чет эллардаги таниқли санъат ва спорт арбобларини таклиф этиш;

маданият ва спорт соҳасида иқтидорли ёшлар вакилларини аниқлаш, уларни чет элларга ўқишга юбориш;

бадий ҳаваскорлик жамоаларига, маданият муассасаларига «Халқ», «Болалар намунали жамоаси», «Халқ музейи» унвонлари, республика спорт унвонлари ва тоифалари бериш, кубоклар, медаллар, нишонлар, дипломлар, ёрлиқлар ва совринлар билан мукофотлаш;

Вазирликка ажратиладиган, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган мавжуд бюджетдан ташқари молиявий маблағларни унинг томонидан ўтказиладиган маданий-оммавий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий спорт тадбирларини ташкил этишга, маданият, санъат ва спорт арбобларини турли танловлар, мусобақалар ва шу кабиларга тайёрлашга ҳамда уларда қатнаштиришга йўналтириш;

маданият ва спорт соҳасида илмий-методик ишланмалар бўйича корхоналар ва ташкилотларни белгиланган тартибда ташкил этиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш, тармоқ мутахассислари малакасини ошириш, шунингдек маданий ва спорт-соғломлаштириш корхоналари, иншоотлари қуриш;

юқори малакали ва спорт захираси спортчиларини тайёрлаш ишларини амалга ошириш, соҳа тармоқларини ривожлантиришни, идоравий мансублигидан қатъи назар, спорт мактаблари, клублари ва спортга тайёрлаш марказларини ихтисослаштиришни мувофиқлаштириш;

фестиваллар, танловлар, жисмоний тарбия-соғломлаштириш, оммавий спорт тадбирлари ва бошқа тадбирлар ғолиблари, совриндорлари, қатнашчилари ва фахрий меҳмонларини эсдалик совғалари билан мукофотлаш;

энг иқтидорли санъат арбоблари, алоҳида фидокорлик ва меҳнатсеварлик фазилатларини намоён қилган маданият ва спорт соҳаси ходимлари номзодларини мукофотлашга белгиланган тартибда тақдим этиш.

Вазирлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

11. Вазирлик ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган тартибда қабул қилишга ҳақлидир.

Вазирлик, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

12. Вазирлик маданият ва спорт соҳасидаги давлат сиёсати амалга оширилиши

ва ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши таъминланиши учун жавоб беради.

#### IV. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш

13. Вазирликка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Вазир бошчилик қилади.

Вазирнинг тўрт нафар ўринбосари, шу жумладан икки нафар биринчи ўринбосари бўлади.

14. Вазир:

Вазирлик фаолиятига яқка бошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади ҳамда Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

зарурат бўлганда, Вазирлик марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритади, шунингдек Вазирлик марказий аппарати, Вазирлик тизимига кирувчи ташкилотлар ва муассасалар штат жадвалини, шунингдек харажатлари сметасини тасдиқлайди;

Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, Вазирлик тизимига кирувчи бошқа ташкилотлар ва муассасалар низомларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Вазирликнинг марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бўлинмалар, Вазирлик тизимига кирувчи бошқа ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Вазир қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Вазирлик таркибига Вазир (раис), унинг ўринбосарлари (лавозимига кўра), шунингдек Вазирликнинг бошқа раҳбар ходимлари кирадиган 9 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Вазир тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлик ҳайъати Вазирлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, Вазирлик тизимига кирувчи бошқа ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, Вазирликнинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини кўриб чиқади.

Ҳайъат қарорлари Вазирнинг буйруқлари билан амалга оширилади.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари ўз фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда Вазирлик томонидан тасдиқланган низомларга мувофиқ амалга оширадilar.

Туман (шаҳар) маданият ва спорт ишлари бўлимлари ўз фаолиятини туман (шаҳар) ҳокимликлари билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари томонидан тасдиқланган низомларга мувофиқ амалга оширадilar.

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари раҳбарлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан Вазир томонидан тайинланади.

Туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари тегишли туман (шаҳар) ҳокими тақдим-

номасига биноан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари бошлиқлари томонидан тайинланади.

17. Маданият ва спорт ишлари вазирлигини тугатиш ва қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 5 апрелдаги 96-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимига кирувчи ташкилотлар ва муассасалар рўйхати**


### **I. Маданият муассасалари**

1. «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.
2. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси.
3. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг бош дирекцияси
4. Академик, халқ ва бадий жамоалар дирекцияси.
5. Оркестрлар (симфоник оркестр, камер оркестри, халқ чолғу асбоблари оркестри).
6. «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси.
7. «Ўзбекдаватцирки» республика бирлашмаси.
8. «Саҳнадаги цирк» кўчма корхоналар дирекцияси.
9. Олий таълим муассасалари (Ўзбекистон давлат консерваторияси, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти, Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби).
10. Ўрта махсус таълим муассасалари.
11. Республика методика ва ахборот маркази.
12. Ижодкор ёшлар уйи.
13. Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методик маркази.
14. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси.
15. Бадий экспертиза бошқармаси.
16. «Ўзбекмузей» республика жамғармаси, республика музейлари.
17. «Гулистон», «Театр», «Мозийдан садо» журналлари таҳририятлари.
18. Мусиқа ва санъат мактаблари.
19. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси таҳририяти.
20. Кутубхоналар.
21. Марказлаштирилган бухгалтерия.
22. Репертуар-таҳририят ҳайъати.

### **II. Спорт муассасалари**

23. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти.
24. Олимпия захиралари республика коллежи, Тошкент шаҳри.
25. Спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаблари.
26. «Сертификатлаш ва компьютерлаштириш маркази» давлат корхонаси.
27. «Спорт» газетаси таҳририяти.
28. Олимпия шон-шухрати музейи.

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги  
марказий аппаратининг тузилмаси**



Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2005 й.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**105** **Юридик шахсларга, солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
2 апрелда 1463-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 12 апрелдан кучга киради)*

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Юридик шахсларга, солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низом (янги таҳрирда) иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2002 йил 19 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 52-сонли, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2002-21-сонли, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 02/8-6-сонли «Бюджетга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловлар бўйича юридик шахсларга берилган имтиёзларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2002 йил 25 июнь, рўйхат рақами 1155 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 11-сон) кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 24 февраль,  
29-сон

---

\* Низом рус тилидаги матнда берилган.

Давлат солиқ қўмитаси раиси **Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 24 февраль,  
2005-25-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси **Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 24 февраль,  
01-02/8-3-сон

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## **106** Сертификатлаштирилган маҳсулотлар ва хизматлар- ни инспекция назоратидан ўтказиш қоидаларини тас- диқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
6 апрелда 1464-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 16 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Сертификатлаштирилган маҳсулотлар ва хизматларни инспекция назоратидан ўтказиш қоидалари\* тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назоратда ушлаш Бош директор ўринбосари Р.Т. Ҳусанов зиммасига юклатилади.

**«Ўзстандарт» агентлиги бош директори Р. БЎРИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 1 февраль,  
24-П-сон

---

\* Қоидалар рус тилидаги матнда берилган.



ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## **107** Маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
6 апрелда 1465-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 16 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 6-бандига асосан **буюраман:**

1. Маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби тўғрисида низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**«Ўзстандарт» агентлиги бош директори Р. БЎРИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 4 март,  
83-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**108** Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган  
электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебитор  
қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисидаги йўриқ-  
номани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
6 апрелда 1466-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 16 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Олий хўжалик суди ва Адлия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисидаги Йўриқнома иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтгандан ўн кундан сўнг кучга киритилсин.

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 17 март,  
2005-35-сон

**Олий хўжалик суди раиси А. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 17 март,  
103-сон

**Адлия вазири Б. МУСТАФОЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 17 март,  
20-21-3-сон

Давлат солиқ кўмитаси, Олий ҳўжалик  
суди, Адлия вазирлигининг  
2005 йил 17 мартдаги 2005-35, 103 ва 20-  
21-3-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр  
энергияси учун тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни  
мажбурий тартибда ундириш тўғрисида  
ЙЎРИҚНОМА**

**I. Умумий қисм**

1. Мазкур Йўриқнома Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 511-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, унда истеъмол қилинган электр энергияси учун юридик шахслардан (кейинги матнларда — «истеъмолчи» деб аталади) тўлов муддати ўтган дебитор қарз суммаларини мажбурий ундириш бўйича ваколатли идораларнинг аризалари асосида ҳўжалик судлари томонидан берилган ижро ҳужжатларини бажарилишини таъминлашда солиқ идоралари, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги матнларда — «Департамент» деб аталади) ўртасидаги фаолиятни тартибга солиди.

**II. Қарзларни ундириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш**

2. Юридик шахслар рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ идоралари электр энергия билан таъминловчи ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган реестр асосида, истеъмол қилинган ва тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни истеъмолчиларнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш ишларини Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг (кейинги матнларда — «ХПК» деб юритилади) 102—111-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширади.

3. Электр энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан тақдим этилган реестрда келтирилган истеъмолчилар рўйхатини олган солиқ идораси уч иш куни давомида ундирувни уларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида ҳўжалик судига ариза билан мурожаат қилади (ариза намунаси 1-иловада келтирилган).

Бунда, қарздорликни мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги аризининг бир нусхаси солиқ идораси томонидан истеъмолчига топширилган бўлиши лозим.

4. Ариза солиқ идораси бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланиб, унга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) аризининг бир нусхаси истеъмолчига топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

б) истеъмолчи билан электр билан таъминловчи корхона ўртасида тузилган ҳамда уларнинг мансабдор шахслари (рахбарлик функцияларини бажарувчи ваколатли шахслар ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув функцияларини бажарувчи шахслар) томонидан тасдиқланган ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисидаги таққослаш далолатномаси;

в) тўлов муддати ўтган дебитор қарзни ундириш бўйича хизмат кўрсатувчи

банкка тақдим этилган ва банк томонидан қабул қилинганлиги ҳамда қарздорнинг ҳисоб варақасида пул маблағи йўқлиги ҳақида белги қўйилган тўлов топшириқномасининг нусхаси;

г) электр энергияси етказиб бериш ҳамда ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида энергия билан таъминловчи ташкилот ва истеъмолчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси.

5. Хўжалик суди солиқ идораси томонидан тақдим этилган аризани қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда ундирувчи қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида суд буйруғи бериш масаласини кўриб чиқади.

Мазкур тоифадаги аризаларнинг кўриб чиқилиши юзасидан 2-иловага мувофиқ ҳар чоракда кейинги чорак биринчи ойининг 10-санасига қадар «Ўзбекэнерго» ДАКнинг вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи, вилоят давлат солиқ бошқармасининг бошлиғи ва вилоят хўжалик судининг раиси томонидан уч томонлама таққослаш ишлари амалга оширилади.

Амалга оширилган ишларнинг натижалари бўйича ҳар чоракда кейинги чорак биринчи ойининг 10-санасига қадар «Ўзбекэнерго» ДАКга, Давлат солиқ қўмитасига ва Олий хўжалик судига ҳисобот тақдим этиб борилади.

### **III. Тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни қарздор юридик шахсларнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисидаги хўжалик судлари буйруқларини ижрога тақдим этиш ва уларнинг мажбурий ижросини таъминлаш**

6. Хўжалик суди тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни истеъмолчи – юридик шахсларнинг мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тўғрисидаги суд буйруқларини бевосита қарздор корхона жойлашган жойдаги тегишли вилоят (шаҳар) давлат солиқ бошқармаларига юборади. Вилоят (шаҳар) давлат солиқ бошқармалари томонидан ушбу суд буйруқларини эртасидан кечиктирмай туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларига юборилади.

Бунда, мажбурий ижрога тақдим қилинадиган ижро ҳужжатлари «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддаси талаблари асосида қуйидаги тартибда расмийлаштирилиши лозим:

- а) ижро ҳужжатини берган суднинг номи;
- б) ижро ҳужжати берилган иш ва унинг тартиб рақами;
- в) ижро этилиши шарт бўлган суд ҳужжати қабул қилинган сана;
- г) ундирувчи ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари;
- д) суд ҳужжатининг қарор қисми;
- е) суд ҳужжати қонуний кучга кирган сана;
- ж) ижро ҳужжати берилган сана ва уни ижрога топшириш муддати.

7. Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси вилоят давлат солиқ бошқармасидан ижро ҳужжатини қабул қилиб олгандан кейин уни махсус китобда рўйхатдан ўтказиб, икки иш кунидан кечиктирмасдан мажбурий тартибда ижросини таъминлаш учун тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлинмасига кузатув хати билан топширади.

Кузатув хатида қарздор корхонанинг жойлашган манзили, хизмат кўрсатувчи банк номи, банкдаги депозит ҳисоб рақами, идентификацион рақами, мазкур ижро ҳужжати бўйича қарздор корхона томонидан тўлаб берилган сумма ва ундирилмай

қолган қарз миқдори, шунингдек, «Ўзбекэнерго» ДАК тегишли корхонасининг банда очилган махсус транзит ҳисоб рақами кўрсатилган бўлиши лозим.

8. Туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлинмаси ижро ҳужжатларининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8, 27-моддалари талаблари асосида расмийлаштирилганлигини ҳамда белгиланган тартибдаги кузатув хати асосида тақдим этилаётганлигини текшириб қабул қилиб олади ва уларнинг ижросини ушбу Қонун талаблари асосида амалга оширади.

Агар ижро ҳужжати тегишли тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, суд ижроси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасида белгиланган тартибда тегишли қарор чиқариб, ижро ҳужжати уни тақдим қилган солиқ идорасига уч кунлик муддат ичида қайтариб юборади.

Солиқ идораси 3 иш куни ичида ижро ҳужжатларини расмийлаштирилишида йўл қўйган камчиликларни бартараф этиб, уни белгиланган талаблар асосида қайта расмийлаштирган ҳолда суд ижросисига топширади.

Ижро ҳужжатининг йўл қўйилган нуқсонларни бартараф қилиш учун қайтариб юборилиши бундай нуқсонлар бартараф қилинганидан кейин ижро ҳужжати суд ижросисига иккинчи маротаба умумий тартибда тақдим этиш учун тўсқинлик қилмайди.

Ижро ҳужжати ушбу Йўриқноманинг 7-банди иккинчи хатбошида кўрсатилган кузатув хати билан тақдим этилмаса, қабул қилинмайди.

9. Хўжалик суди томонидан берилган ижро ҳужжатидаги талаблар ноаниқ бўлса, суд ижроси ушбу ижро ҳужжати тушунтириб беришни сўраб ижро ҳужжати берган хўжалик судига ариза билан мурожаат қилади.

Хўжалик суди томонидан ушбу мурожаат «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасида белгиланган 10 кунлик муддатда кўриб чиқилади ва натижалари юзасидан тегишли суд ижрочилари бўлинмасига ёзма равишда тушунтириш берилади.

10. Ижро ҳужжати юзасидан олиб борилаётган мажбурий ижро ҳаракатлари хўжалик судлари томонидан тўхтатилган ёки кечиктирилган тақдирда, тегишли суд ижрочилари бўлинмаси ва солиқ идораларига бу ҳақда кузатув хати билан бирга хўжалик судининг мажбурий ижро ҳаракатларини тўхтатиш ёки кечиктириш тўғрисидаги ажрими ҳам тақдим этилади.

11. Хўжалик судларининг қарорларига асосан берилган ижро ҳужжатларининг ижросини таъминлашда банк ёки бошқа кредит ташкилоти томонидан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги суд ижроси томонидан аниқланганда, бу ҳақда суд ижроси тегишли далолатнома тузади ва «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 81-моддаси ҳамда ХПКнинг 218-моддасида белгиланган жавобгарлик масаласини ҳал этиш учун мазкур далолатномани илова қилган ҳолда тегишли ариза билан ўзи жойлашган жойдаги хўжалик судига мурожаат қилади.

Ушбу ариза хўжалик суди томонидан ХПКнинг 125-моддасида белгиланган муддатда ва тартибда ҳал этилиб, қабул қилинган суд ҳужжати беш кунлик муддатда тегишли суд ижрочилари бўлинмасига юборилади.

12. Хўжалик судларининг ушбу тоифадаги ижро ҳужжатларини мажбурий тартибда ижро этиш жараёнида содир этилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 232-233-моддаларида кўрсатилган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича суд ижроси жиний жавобгарлик масаласини ҳал этиш учун ўзи жойлашган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига тўпланган ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилади.

Туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлинмалари ва давлат солиқ инспекциялари ўртасида хўжалик судларининг ушбу тоифадаги ижро ҳужжатларининг ҳаракати юзасидан ҳар ойда кейинги ойнинг 5-санасига қадар 3-иловадаги шакл бўйича тезкор маълумотлар алмашилиб борилади.

Вилоят (шаҳар) давлат солиқ бошқармалари ва Департаментнинг ҳудудий бўлимлари ўртасида ушбу тоифадаги ижро ҳужжатларининг ҳаракати юзасидан ҳар чорак якунлари бўйича туман(шаҳар)лардан олинган маълумотлар асосида таққослаш ишлари амалга оширилиб, натижалари бўйича Давлат солиқ қўмитаси ва Департаментга мазкур Йўриқноманинг 4-иловадаги шаклга мувофиқ кейинги чорак биринчи ойининг 10-санасига қадар ҳисобот тақдим этиб борилади.

#### **IV. Ундирув қаратиш мумкин бўлган мол-мулки ва даромадлари бўлмаган бошқа юридик шахслардан қарз суммаларини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича кўриладиган чоралар.**

13. Ижро ҳужжатида кўрсатилган қарз суммасини ундириш учун суд ижроси томонидан қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасидан қонунда йўл қўйиладиган доирада кўрилган чоралар натижасиз бўлса, ижро ҳужжати «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли моддасига асосан белгиланган тартибда қарор чиқарилиб, уни тақдим қилган солиқ идорасига қайтаради.

Солиқ идоралари ушбу тартибда қайтарилган ижро ҳужжатларини келиб тушган кундан бошлаб 3 иш куни ичида қарздор корхона ёки ташкилотни «банкрот» деб эътироф этиш тўғрисида хўжалик судига, агар қарздор фермер хўжалиги бўлса «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддасига асосан, ёки хусусий корхона бўлса «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига асосан фуқаролик ишлари бўйича судга белгиланган тартибда мурожаат қилиш учун тегишли энергия билан таъминловчи ташкилотга юборади.

Мазкур тартибда қайтарилган ижро ҳужжатлари юзасидан давлат солиқ идоралари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасида 5-иловага мувофиқ ҳар ойда кейинги ойнинг 5-санасига қадар вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ҳамда «Ўзбекэнерго» ДАКнинг ҳудудий бўлими бошлиғи томонидан таққослаш ишлари амалга оширилади.

Амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ойда кейинги ойнинг 5-санасига қадар Давлат солиқ қўмитасига ва «Ўзбекэнерго» ДАКга ҳисобот тақдим этиб борилади.

#### **V. Қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундирилган пул маблағларининг тақсимланиши**

14. Суд ижрочилари томонидан қарздор корхона ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳисобидан ундирилган пул маблағлари ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатлари қоплангандан кейин солиқ идоралари томонидан тақдим этилган кузатув хатида кўрсатилган «Ўзбекэнерго» ДАК тегишли корхонасининг махсус транзит ҳисоб-рақамига ўтказилади.

15. Солиқ идораси томонидан мажбурий тартибда ижро этиш учун суд ижрочилари бўлинмасига тақдим этилган ушбу тоифадаги ижро ҳужжатида кўрсатилган сумма тўлиқ ундирилгандан сўнг, «Ўзбекэнерго» ДАКнинг тегишли корхонаси ўзи томонидан қўйилган тўлов топшириқномаларини ижросиз қайтариб олади ва бу

ҳақда ижро ҳужжатининг мажбурий ижросини амалга оширган суд ижрочилари бўлинмаси ҳамда тегишли солиқ идорасига ёзма маълумот беради.

### VI. Яқунловчи қисм

16. Ушбу Йўриқнома «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси билан келишилган.

#### «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Э. ШОИСМАТОВ

Тошкент ш.,  
2005 йил 11 март.

Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисидаги йўриқномага  
1-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ Хўжалик судига  
манзили: \_\_\_\_\_

Аризачи: \_\_\_\_\_  
туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси  
манзили: \_\_\_\_\_

Кредитор: \_\_\_\_\_  
вилоят (шаҳар) электр энергияси етказиб  
берувчи ташкилоти  
манзили: \_\_\_\_\_

Қарздор: \_\_\_\_\_  
манзили: \_\_\_\_\_

Хизмат кўрсатувчи банк номи \_\_\_\_\_

Ҳисоб рақами: \_\_\_\_\_  
МФО: \_\_\_\_\_  
ИНН: \_\_\_\_\_

### АРИЗА

**(корхона мол-мулки ҳисобидан \_\_\_\_\_ сўм муддати ўтган қарз суммаларини ундириш бўйича суд буйруғини бериш ҳақида)**

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ йилдаги ҳолатга кўра \_\_\_\_\_  
(корхона номи)

электр энергияси истеъмоли учун \_\_\_\_\_ сўм муддати ўтган қарздорликка эга, бу ҳолат 200\_\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да электр энергияси истеъмолчиси ва

етказиб берувчи ташкилотлар ўртасида тузилган ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисидаги таққослаш далолатномаси уларнинг мансабдор шахслари (раҳбарлик функцияларини бажарувчи ваколатли шахслар ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув функцияларини бажарувчи шахслар) томонидан имзо ва муҳр билан тасдиқланган.

Қарздор корхонанинг ҳисоб рақамида пул маблағи йўқлиги сабабли, электр энергияси етказиб берувчи ташкилот томонидан берилган тўлов талабномаси банк томонидан картотекага қўйилган.

Юқорида таъкидланган ҳолат ва Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 102, 105 ва 109-моддаларига асосан, корхонанинг электр энергияси истеъмолидан бўлган \_\_\_\_\_ сўм муддати ўтган қарзини қарздор корхонанинг мол-мулкидан ундириб олиш ҳақидаги суд буйруғини беришингизни сўраймиз.

Илова:

1. Қарздор корхонага ариза берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
2. Электр энергияси етказиб бериш ва ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисидаги шартнома нусхаси;
3. \_\_\_\_\_ 200\_\_ йилдаги истеъмолчи билан энергия етказиб берувчи ташкилотлар ўртасида тузилган ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисидаги таққослаш далолатномасининг асл нусхаси;
4. Электр энергияси билан таъминловчи ташкилот томонидан банкка тақдим этилган ва банк қабул қилинган ҳамда қарздорнинг ҳисоб варақасида пул маблағи йўқлиги ҳақида белги қўйилган тўлов топшириқномаси нусхаси.

\_\_\_\_\_ тумани (шаҳри)

ДСИ бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.Ш.)



Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси  
учун тўлов муддатни ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда  
улдириш тўғрисидаги йўриқномага  
2-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ вилоят (шаҳар) бўйича ҳўжалик юритувчи юридик шахслар томонидан электр энергияси истеъмоли учун ўз вақтида ҳақ тўламаслик  
натijasида юзага келган мудлати ўтган дебитор қарзларни улдириш бўйича солиқ идораларининг аризаларига кўра чиқарилган ҳўжалик судлари  
буйруқлари ҳақда 2005 йилининг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ ҳолатига

**М А Ъ Л У М О Т**

(минг сўм ҳисобида)

т.р	Хўдудлар	Солиқ идораларига «Ўзбекэнерго» ДАКнинг Хўдудий бўлиmlари томонидан реестрлар бўйича қабул қилиб олинган корхона ва ташкилотлар		Солиқ идоралари томонидан ҳўжалик судларига тақдим этилгўна қалар қарздорлар томонидан ихтиёрий тўланган қарзлар		Солиқ идоралари томонидан ҳўжалик судларига тақдим этилган жами аризалар		Суд буйруги берилгўна қалар қарздор томонидан ихтиёрий тўланган учун рад этилган		Қарздорлиқни улдириш ҳақида чиқарилган суд буйруқлари		Бошқа қонуний асосларга кўра рад этилган		Ҳисобот кўнининг охирига қолдиқ аризалар		Солиқ идоралари томонидан қабул қилиб олинган ҳўжалик судларининг суд буйруқлари	
		соғи	сўммаси	соғи	сўммаси	соғи	сўммаси	соғи	сўммаси	соғи	сўммаси	соғи	сўммаси	соғи	сўммаси	соғи	сўммаси
1		2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17

шузида:

«Ўзбекэнерго» ДАК бўлими бошлиғи \_\_\_\_\_ вилоят (шаҳар)  
\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш., ивзю) \_\_\_\_\_  
йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи \_\_\_\_\_ вилоят (шаҳар)  
\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш., ивзю) \_\_\_\_\_  
йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ вилоят (шаҳар)  
\_\_\_\_\_ Хўжалик судининг раиси  
\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш., ивзю) \_\_\_\_\_  
йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_





Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов мuddати ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисидаги йўриқномага 5-ИЛЮВА

**\_\_\_\_\_ вилоят (шаҳар) бўйича \_\_\_\_\_ ҳолатига истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов мuddати ўтган дебитор қарзларни юридик шахсларнинг мол-мулки ва бошқа даромад манбаи бўлмаган тақдирда уларни энергия билан таъминловчи ташкилотта қайтарилганлиги тўғрисида ТАҚҚОСЛАШ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Вилоят (шаҳар) номи	Суд ижро Департаменти томонидан Қонуний тегшлик молдасига асосан Солиқ идораларига қайтарилган ижро Ҳужжатлари		Ижро ҳужжатига белгиланган суммани қисман ундирилгани		Солиқ идоралари томонидан мол-мулки ва бошқа даромад манбаи бўлмаган корхоналар бўйича электр тармоқ ташкилотларига қайтарилган		Электр тармоқ корхоналари томонидан қабул қилиб олинган корхона ва ташкилотлар		Электр тармоқ корхоналари томонидан кўрилган чоралар		Банкротликка берилган		Фуқаролик ишлари бўйича судга берилган		Ундирилган		Кечилган		
	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	
1																			
Жами																			

\_\_\_\_\_ вилоят (шаҳар) \_\_\_\_\_  
 Давлат солиқ бошқармаси бошлиги \_\_\_\_\_  
 (Ф.И.Ш., ив.э) \_\_\_\_\_  
 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ вилоят (шаҳар) \_\_\_\_\_  
 «Ўзбекэнерг» ДАК бўлими бошлиги \_\_\_\_\_  
 (Ф.И.Ш., ив.э) \_\_\_\_\_  
 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2005 йил 2 апрелдан 8 апрелгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Юридик шахсларга солиқ, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс этириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 24 февралдаги 29, 2005-25, 01-02/8-3-сон қарори (янги таҳрирда).*

*2005 йил 2 апрелда 1463-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 12 апрелдан кучга киради).*

2. «Сертификатлаштирилган маҳсулотлар ва хизматларни инспекция назоратидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 1 февралдаги 24-П-сон буйруғи.*

*2005 йил 6 апрелда 1464-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 16 апрелдан кучга киради).*

3. «Маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 4 мартдаги 83-сон буйруғи.*

*2005 йил 6 апрелда 1465-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 16 апрелдан кучга киради).*

4. «Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Олий ҳўжалик суди, Адлия вазирлигининг 2005 йил 17 мартдаги 2005-35, 103, 20-21-3-сон қарори.*

*2005 йил 6 апрелда 1466-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 16 апрелдан кучга киради).*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Юридик шахсларга солиқ, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс этириш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган (2002 йил 25 июнь, рўйхат рақами 1155).*

*Адлия вазирининг 2005 йил 2 апрелдаги 53-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**